

Ахмад ас-Сагонийнинг тўлик номи Абу Хамид Ахмад ибн Мухаммад ас-Сагоний ал-Астурлобий бўлиб, Ўрта аср манбаларида «Сагонийан», Форс манбаларида эса «Чагонийон» деб юритилган жойда тугилган. Ўша даврдаги Сагонийон бугунги Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳри атрофларини ўз ичига олган. Олимнинг тугилган йили номаълум. У ёшлигида ўз даврининг энг йирик илм маркази Багдодга бориб қолган ва йирик астрономларидан бири бўлиб етишган. Ахмад ас-Сагонийнинг исмига кўшиб айтиладиган «Астурлобий» рутбаси уни асту лоблар, умуман, астрономик жихозлар яшашда ва уларни қўлланиш мохир мутахассис бўлганидан далолат беради. Аллома астрономиядан ташқари геометрияга оид бир неча асарларнинг муаллифи ҳамдир. Ибн ал-Кифтийнинг Ахмад ас-Сагоний хақидаги куйидаги фикрлари диққатга сазовордир: «Абу Хамид Ахмад ибн Мухаммад ас-Сагоний ал-Астурлобий ўз вақтида геометрия ва астрономия соҳаларидаги аксарият муваффақиятларнинг соҳиби бўлган фозил олимлардан эди. У Багдодда астролябиялар ва бошқа астрономик жихозлар яшашда катта ютуқларга эришган. У яратган жихозлар ўша вақтдаги астрономларга яхши маълум бўлган. Унинг бир қанча шогирдлари катта шухрат қозонганлар ва ўз устозлари билан фахрланганлар. Ахмад ас-Сагоний қадимги жихозларни такомиллаштиришда ҳеч ким амалга ошира олмаган натижаларга эришган». Ибн ал-Кифтий яна шуларни маълум қиладики, Багдод ҳукмдори Адуд ад-Давланинг ўгли Шараф ад-Давла (951—989) Багдодни бошқарган йилларида у ерда расадхона сифатида фойдаланиш учун бир уй қурдиради ва унда қуёш ва сайёралар ҳаракатини ўрганиш бўйича қузишлар ўтказилади. Қузишлар натижаси яқунлаганда, Ахмад ас-Сагоний қуёшнинг иккк бурж бўйича ботишини ўз қўли билан ёзган ва баъзи тузишлар қиритган. Ахмад ас-Сагонийнинг илмий мероси Беруний, Ибн Ирок, ас-Сижжизий каби олимлар томонидан ҳурмат билан эсланиши, унинг асарлари накадар шухрат қозонганлигидан далолат беради. Жумладан, Беруний ўзининг «қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарининг яҳудий йиллари ва даврларини аниқлаш қисмида ас-Сагоний ҳисобларидан фойдаланганини айтади. Беруний худди шу асарида доиралар ва нукталардан иборат қурраларни сатҳга айлантириш мумкинлиги хақида гапирар экан, шундай дейди: «Абу Хамид ас-Сагоний қонуслар бошини иккала қутбдан қўчириб, уни ўқлар бўйича қараб, қурранинг ичига ё ташига қўйган. Шунда қурра тўғри қизиклар, доиралар ас-Сагоний истаган қайфиятда, етарли ва ортиқча парчалар ташкил этган. Бу ажойиб сатҳни ундан олдин ҳеч ким ишламаган».

Беруний ўзининг «Геодезия» асарида Ахмад ас-Сагоний қапамига «Астрономия илмининг қонунлари» («Қаванийи илм ал-хайа») қитоби мансублигини қўрсатади ва унда ас-Сагоний 965 йили Багдоднинг қарбий тарафидан «Биркату Залазал» деган жойда диаметри олти қарич ва айланаси беш минутлик бўлимларга тақсимланган халқа ёрдамида ўлчаш олиб қориб, тўлик оғишни 23 даража 35 минут ва Багдоднинг қенгламасини 33 даража 21 минут топганини таъқидлайди.

Ас-Сагонийнинг «Осмон сферасини текисликда тасвирлаш» («Қайфийят тастийх ал-қура») рисоласи Патна ва Стамбулдаги қутубхоналарда сақланади. Баъзи манбаларда бу асар «Қитаб ат-тас-тийх ат-тамм» номи билан тилга олинади. Рисола ўн икки бобдан иборат бўлиб, унда осмон сферасининг астролябия сатҳида тасвирланиш

масалалари устида мулохазалар юритилади. Аллома юкоридагилардан ташкари «Дойра ичига жойлаштирилган тўғри тарафли етти бурчакнинг томонини яшаш» («Рисола фи ʼамал дилъ ал-му-саббаъ ал-мутасавий фи ад-даира») ва «Масофалар ва хажмлар хакида» («Макала фи-л-ажрам») номли (Париж ва Дамашкда сакланмокда) асарларнинг муаллифи хамдир. Оксфорддаги Бодлеан кутубхонасида олимнинг «Астролябия пластинкаларида ясалган соатлар хакида» («Фи ас-саъат ал-маъмула ала сафаих ал-астурлаб») ва «Меридиан чизигини топиш» («Истихраж хатт нисф ан-нахар») рисоалари мавжуд. Фикримизча, «меридиан чизигини топиш» (Бодлеан кутубхонасидаги инвен. раками М8.) рисоласи олим асарлари рўйхатига хозирга қадар киритилмай келинмокда. Ас-Сижиззий номини келтирган «Бурчакнинг учга бўлиниши» («Таслийс аз-завийъа») рисоласи ас-Сагонийнинг бизгача етиб келмаган асарларидан хисобланади.

Ас-Сагоний 990 йили Бағдодда вафот этган.

Б. Абдухалимов